Xalq deputatlari Xovos tumani Kengashi

QAROR

2020 йил 30 декабрь **113/19-6-сон** **Ховос шаҳарчаси**

Ховос туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилги даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсатгичларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Бюджет Кодексининг 99-моддаси ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йилги вилоят маҳаллий бюджетини тасдиқлаш ҳамда туманлар, шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсатгичларини белгилаш тўғрисида”ги 80/16-6-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосланиб Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 80/16-6-сонли қарори билан 2021 йил учун Ховос туман маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи трансферт миқдорининг тасдиқланганлиги ҳамда Ховос туман маҳаллий бюджети даромад ва харажатлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин..

2. 2021 йил учун Ховос туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ҳамда харажатларининг чегаравий миқдорлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ховос туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилги прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ховос туман маҳаллий бюджетидан 2021 йилги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ховос туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ҳамда харажатлари ижроси натижасидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонун билан белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни 12-моддасига асосан (кейинги ўринларда – Қонун) туман (шаҳар) бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 5-иловага мувофиқ тақсимланганлиги малумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Сирдарё вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси ва унинг Ховос тумани ғазначилиги бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2021 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 6-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш хуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари 7-иловага мувофиқ;

автотранспорт йиғимларнинг ставкалари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланиши белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

8. Ховос туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил учун захира жамғармаси ҳажми 9-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Туман бюджетининг захира жамғармаси 2021 йилда тегишли бюджет умумий харажатларининг 1,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорида шакллантирилиши туман бюджетининг захира жамғармасининг маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда бюджет тизими бюджетлари шаклланишида олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши қонунда белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

9. Ховос туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 10-иловага мувофиқ аниқлаштирилганлиги инобатга олинсин.

10. Туман бюджетининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда туман бюджетининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилиниши белгилансин.

Бюджет харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

11. Қонунга мувофиқ солиқларнинг қуйидаги турлари туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Мобил алоқа хизматлари ва алкоголь махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

12. Қонунга мувофиқ солиқларнинг қуйидаги турлари вилоят бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёкилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари);

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари).

13. Қонунга мувофиқ Халқ депутатлари туман Кенгаши туманнинг оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга хақли.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши белгилансин.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

15. Туман ҳокимлиги тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

16. Туман ҳокимлиги чораклар якуни бўйича даромад прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 (беш) фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган тақдирда ва молия йили охиригача прогноз кўрсатгичидаги маблағларнинг тушиши эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

16. Қонунга мувофиқ:

2021 йилдан бошлаб ҳудудларда барча иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари хулосаларига кўра Халқ депутатлари туман Кенгаши қарори билан маъқулланганидан сўнг туман ҳокими томонидан тасдиқланиши;

иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб туманнинг туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

17. Бюджет жараёнини очиқлигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларига:

туман маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни;

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари;

давлат харидлари;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

18. Ушбу қарор ижросини ташкиллаштириш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари З.Бобоев зиммасига юклатилсин.

19. "Ховос овози" тахририяти (А.Абдурахмонов) мазкур қарорни "Ховос овози" газетасида эълон қилиш чораларини кўрсин.

20. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ғ. Райимназаров зиммасига юклатилсин.

21. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **У.Камолов**